

## Она қўлини кўрган фарзанд



19:00 / 01.07.2021 4535

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا اِنۡصَبُوْا عَلٰى اَيْدِيْكُمْ اَيْدِيَّ الْاٰثِمِيْنَ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُوْنَ  
رِيْصَمٌ لِّاَيِّدِيْكُمْ اَوَّلَ وَاٰخِرَ كُلِّ يَوْمٍ لِّتُكْفَرُوْا بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُوْنَ

**«Инсонга ота-онаси ҳақида тавсия қилдик: онаси уни заифлик устига заифлик билан кўтарди; уни сутдан ажратиш икки йилдадир. Менга ва ота-онангга шукр қилгин. Ва қайтиш фақат Менгадир»** (Луқмон сураси, 14-оят)

Шифокор йигит бир қизга совчи қўйди. Қиз йигитнинг оилавий аҳволдан хабардор бўлгач, никоҳ маросимига онасини олиб келмаслик шарти билан турмушга чиқишини билдирди. Йигит нима қилишини билмай қолди ва устозларининг биридан маслаҳат сўради. Устози ундан «Нега бундай шарт қўйди?» деб сўраганда, йигит: «Отам, бир ёшлигимда вафот этганлар, онам менга сарфлаш учун одамларнинг кирини ювувчи бўлиб ишлаганлар. Лекин бундай ўтмишим менинг кўп қийналишимга сабаб бўлган. Энди ўз ҳаётимни бошлашим керак» деди.

Устози унга «Менинг бир талабим бор, уйга бориб онангнинг қўлини ювиб қўясан ва эртага олдимга келасан, фикримни ўшанда айтаман» деди.

Йигит уйига бориб онасидан қўлини узатишини сўраб, ювиб қўймоқчилигини айтди. Она қўлини узатганда ўғил у қўлга қараб йиғлаб юборди. Чунки кир ювиш асносида ёрилган, бужмайган қўлни йигит илк бор кўраётганди.

Йигит онасининг қўлини ювиб бўлгач эрта бўлишини кутмай устозига қўнғироқ қилиб, «Раҳмат сизга, нима қилишим кераклигини тушундим, бир кунимни, бир кунда ўтадиган никоҳ тўйимни деб онамни қурбон қилмайман, ахир онажоним менинг эртанги куним учун умрларини қурбон қилдилар» деди.

Ота-оналаримизнинг хизматларида камарбаста бўлайлик!

Эшикка термулиб, болам келиб қолса деб овқатни ўраб, кутиб ўтирадиган волидамизнинг ҳолларидан хабар олишни унутмайлик!

Онамизнинг юзларида табассум, кўзларида ёш билан қилган дуоларини олишнинг пайдан бўлайлик!

Аллоҳ таоло ота-онамизни паноҳида асрасин, хизматларини қилиб, дуоларини олишни бизга насиб этсин! Ота-онаси вафот этганларнинг ота-оналарини Ўзи раҳматига олсин!

***Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади***